# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 23 декабрь, №257 (3269) Сешанба


# Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоларига, барча илмий ходимларига

*Муҳтарам дўстлар!*

*Авваламбор, ўз ҳаётини Ўзбекистон илм-фани ривожига бағишлаган, мамлакатимиз келажаги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни бугунги қутлуғ сана — Фанлар академиясининг 60 йиллик тўйи билан муборакбод этишни мен ўзим учун катта шараф, катта бахт деб биламан.*

*Хизмат тақозосига кўра менинг ҳаёт йўлим узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини ўзида мужассам этган, не-не буюк истеъдодларни бирлаштирган шу мўътабар даргоҳ билан боғлиқ ҳолда ўтганини, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган, ноёб кашфиёт ва ихтироларнинг муаллифлари бўлган машҳур олимлар билан ҳамкор бўлиб ишлаш, уларнинг фаолиятини бевосита кузатиш имконига эга бўлганимни, ўйлайманки, сизлар яхши биласиз.*

*Шу маънода, Академиянинг барча аъзолари, илмий мактабларнинг соҳиблари ва давомчилари, йирик илмий муассасалар раҳбарлари ва ходимларининг кўпчилигини яқиндан билганимдан, сизлар билан ёнма-ён бўлиб ишлаганимдан ҳали-бери катта таассуротда эканимни изҳор этмоқчиман.*

*Мана шу қувончли кунда барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, академия фахрийларига узоқ умр, фаолларига омад, эндигина илм-фан оламига қадам қўяётган ёшларимизга эса фан чўққиларини эгаллашда ютуқлар тилашдан бахтиёрман.*

*Ўзбекистон Фанлар академиясининг номини, унинг шон-шуҳратини сақлаб ва юксалтириб келаётганингиз учун барчангизга жамоатчилигимиз номидан самимий ташаккур билдираман.*

*Бугун Фанлар академиясининг 60 йиллигини кенг нишонлар эканмиз, сизларнинг бу тарихий санага аввало она заминимизда қадимдан фаолият кўрсатиб келган Маъмун академияси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби машҳур илм-фан марказларининг мантиқий ҳосиласи, миллий тафаккуримизнинг табиий маҳсули сифатида қараётганингиз айниқса ибратлидир.*

*Табиийки, тарихни бундай англаш, бундай ғурур ва ифтихор шу тупроқни жон дилидан севадиган, шу юртга сидқидилдан хизмат қилиб, уни бутун дунёгаараннум этаётган сиз каби илм-фан фидоийларига ярашади.*

*Кўҳна ва бой тарихимизни чуқур ўрганиш, томирларимизга етиб бориш, миллий руҳ, миллий ғоянинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, энг муҳими, бетакрор меросимизни асраб-авайлаб, униб-ўсиб келаётган ёш авлодга етказишга фақат Ўзбекистонимизнинг тақдирини ўйлайдиган, унинг келажаги учун қайғурадиган одамларгина қодир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Ҳурматли илм-фан аҳли!*

*Фанлар академияси ўз тарихи давомида кўп воқеаларни, даврнинг барча мураккабликларини бошдан кечирганини, Марказ томонидан беписандлик ва камситиш каби ҳолатларни ҳам кўрганини, ўйлайманки, сизлар ўз фаолиятингиз мисолида яхши биласиз.*

*Лекин, қандай қийинчиликларга дуч келмасин, халқимизнинг ноёб истеъдодини рўёбга чиқаришда, авваламбор, Ўзбекистоннинг эртанги куни учун хизмат қиладиган ер ости, ер усти бойликларини ўзлаштиришда бу нуфузли илм даргоҳида яратилган, мамлакатимизнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган кашфиёт ва тадқиқотлар, янги технология ва воситалар, илмий тавсия ва қўлланмалар беқиёс аҳамиятга эга бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.*

*Бу ҳақиқатни айниқса геология, хусусан, нефть ва газ, олтин, рангли ва қимматбаҳо металлар конларини аниқлаш, математика, ядро ва қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, органик ва ноорганик, ўсимлик моддалар кимёси, сейсмология, тарих ва археология, фалсафа ва шарқшунослик каби фан соҳаларида яратилган улкан кашфиётлар яққол исботлайди.*

*Академиямизни мана шундай юксак даражага кўтаришда буюк ҳисса қўшган, номлари тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган марҳум фан арбобларини ёд этиш, бугун ҳам ана шу эзгу анъаналарни муносиб давом эттириб келаётган сиз, азизларга яна бир бор ташаккур билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.*

*Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз, Фанлар академиясининг мавжуд салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, лабораториялар ва тажриба майдонларида, қўлёзмалар устида илмий тадқиқотлар олиб бораётган заҳматкаш олимлар меҳнатини рағбатлантириш учун давлатимиз томонидан берилаётган кўмак ва ёрдам ҳозирча етарли эмас.*

*Буни кўпчилик қаторида мен ҳам яхши англайман. Лекин, шу фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни айтмоқчиман: иқтисодиётимиз ривожланиб, имкониятларимиз кенгайиб бориши билан шу соҳада фидоий бўлиб хизмат қилаётган илм-фан аҳли олдидаги қарзимизни адо этиш учун шароит туғилади. Бу борадаги ишларимизни охирига етказиш, тараққий топган мамлакатларнинг илм марказлари билан ҳамкорлик қилиб, тадқиқот жараёнларини замонавий даражада ташкил этиш учун амалий кўмак беришни давлат идоралари ва ташкилотларининг, бутун жамиятимизнинг биринчи даражали вазифаси, деб билишимиз зарур.*

*Сизларни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор табриклаб, мамлакатимиз олдида турган буюк мақсад ва марраларга эришишда Фанлар академияси ва барча олимларимиз ўз муносиб ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдираман.*

*Мана шу улуғвор ишларни амалга оширишда барчангизга сиҳат-саломатлик, янги илмий ва ижодий зафарлар ёр бўлишини тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимиз илм-фани ривожи йўлидаги катта хизмати, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш ишига қўшаётган улкан ҳиссаси, юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатини эътиборга олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”**

**Беглов Борис Михайлович** — Умумий ва ноорганик кимё институти етакчи илмий ходими, академик

**Ешчанов Турсунбой** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси, академик

**Мирзаев Тўра** — Фанлар академияси вице-президенти вазифасини бажарувчи, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори

***Республикамизнинг иқтисодий ва маънавий юксалишига қўшаётган беқиёс ҳиссаси, кўп йиллик самарали илмий-ижодий фаолияти, юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш, бой маънавий меросимизни ўрганиш, уни халқаро жамоатчилик ўртасида кенг ёйиш, миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги хизмати ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**“Буюк хизматлари учун” ордени билан**

**Қўшжонов Матёқуб** — Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими, академик

**Мусаев Жўра Азимбоевич** — Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, академик

**Тўрақулов Ёлқин Холматович** — Фанлар академияси Биокимё институти лаборатория мудири, академик

(Давоми 2-бетда).

# ФАН ДАРГОҲИДАГИ БАЙРАМ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шу кунларда Фанлар академиясининг 60 йиллиги тантаналари мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа сифатида нишонланмоқда.*

Халқимиз илмий салоҳиятини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Фанлар академиясининг фаолиятида Истиқлол йилларида янги, жўшқин давр бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик, илм-фан соҳаларининг давлат миқёсида қўллаб-қувватланаётганлиги сабабли мамлакатимизнинг илмий-техникавий салоҳиятини янада барқ уриб ривожлантириш учун катта имкониятлар вужудга келди.

Ҳозирги кунда Фанлар академиясида 48 та илмий-тадқиқот муассасаси, 129 нафар академик, 400 нафар фан доктори ва 900 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Шу давр ичида Академиянинг халқаро алоқалари сезиларли даражада кенгайди, иқтидорли ёш олимларнинг нуфузли хорижий илмий марказларда малака оширишлари кенг йўлга қўйилди, олимларимиз эришаётган илмий натижалар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Кеча Фанлар академиясида юбилей тадбирларининг марказий воқеаси юз берди. Бу ерда шу тарихий санага бағишланган тантанали мажлис ўтказилди. Мажлис аҳли Ўзбекистон Республикаси Президенти

**Тадбир**

Ислом Каримовнинг Фанлар академияси юбилейи муносабати билан Академия аъзолари, барча илмий ходимларига йўллаган табригини олқишлар билан кутиб олди. Президент табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан илм-фан ривожи йўлидаги катта хизматлари, юқори малакали илмий ходимларни тайёрлашдаги кўп йиллик меҳнатлари эътиборга олиниб, Фанлар академиясининг бир гуруҳ аъзолари, йирик олимлари ва бошқа ходимлари Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орденлари ва медаллари билан тақдирландилар. Олимларга бу юксак мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов топширди.

Шу табаррук воқеа муносабати билан сўзга чиққан Япония, Польша, Россия, Украина, Қозоғистон илмий зиёлиларининг вакиллари Ўзбекистон Фанлар академияси олимларини қутлуғ юбилей билан қизғин табрикладилар.

Тантанали маросим сўнггида Фанлар академиясининг ташкил топиши ва ривожланиши ҳамда мустақиллик йилларида илм-фанни ва илмий-тадқиқотчилик фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган «Шарафли йўл» номли ҳужжатли фильмнинг тақдимоти бўлди.

Фанлар академиясининг тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А. Абдувоҳитов, З. Ҳусниддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этдилар.

**М. САФАРОВ.**





## Илмий ютуқлар кўргазмаси

**Тошкент (ЎзА мухбири Ж. РАУПОВ).**

*“Ўзэкспомарказ”да мамлакатимиз Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти” деб номланган кўргазма очилди.*

*Кўргазмани ўтказишдан мақсад илмий ютуқлар, фаннинг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши билан таништиришдир.*

*Кўргазмада олимларимизнинг илмий ихтиролари, технологиялари, турли электрон ускуналари, механик қурилмалари намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг 48 та муассасаси, вазирликлар ва идоралар ҳамда миллий холдинг компаниялари фаннинг турли соҳаларидаги ютуқларини тақдим этган.*

*Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.*

**СУРАТЛАРДА:** кўргазмадан лавҳалар.

**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## 2003 йил 27 декабрь шанба — дам олиш кунини 2004 йил 2 январь жума кунига кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

2003 йил 27 декабрь шанба — дам олиш куни 2004 йил 2 январь жума кунига кўчирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 декабрь.

# Республика комиссияси йиғилиши

***Тошкент вилояти (ЎзА мухбири Неъмат ДУШАЕВ).***

“Ўзметкомбинат” акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси йилни муваффақиятли якунламоқда. Бу ерда ўтган ўн бир ой мобайнида 441,9 минг тонна пўлат эритилди. Истеъмолчиларга 418 минг тонна металл прокати етказиб берилди. Экспорт ҳажми эса салкам икки барварга ошди. Хорижий буюртмачиларга жўнатилган маҳсулотнинг умумий қиймати 39,1 миллион АҚШ долларидан ошди.

Қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг Бекободда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида металлурглар қўлга киритаётган ана шундай ютуқлар алоҳида қайд этилди. Корхонани иккиламчи хомашё билан таъминлашнинг ноябрь ойи якунлари кўриб чиқилди. Унда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Ноябрь ойида хомашё тўплаш ва қайта ишлашга топшириш борасида ижобий натижаларга эришилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятларидан ташқари, барча ҳудудларда ҳукумат топшириғи ортиғи билан адо этилди. Айни пайтда хомашё сифати яхшиланиб бормоқда, уни етказиб бериш харажатлари сезиларли камайтирилди. Бу эса корхонада ишни бир маромда ташкил этиш, маҳсулотлар ҳажмини ва моддий манфаатдорликни ошириш имконини беряпти.

Йиғилишда корхонага хомашё етказиб бериш йиллик режа-топшириғини бажариш, бу борада келгуси йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар қатъий белгилаб олинди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бирлашмаларини унификациялаш ва улар фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади:

таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар.

2. Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;

корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;

улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

3. Белгилансинки, давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф-1791-сон Фармойиши билан тузилган маъмурий ислоҳотни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

а) Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмаси “Ўзмашсаноат” ни;

“Ўзбекқоғозсаноат” уюшмасини;

Ўзбекистон давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси “Ўзбектрансқурилиш” ни;

Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металлар ва олтин давлат концерни “Қизилқумнодирметаллолтин” ни;

“Махсусқотишма” республика ташкилотини;

функцияларини “Ўзбек ипаги” уюшмасига топширган ҳолда “Шойи” акциядорлик компаниясини;

функцияларини “Ўзбек ипаги” уюшмасига топширган ҳолда “Пилла холдинг” компаниясини тугатиш;

б) Ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналари “Ёғмойтамакисаноат” уюшмаси ҳамда қандолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимлик саноати корхоналари “Озиқовқатсаноат” уюшмаси негизида Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасини ташкил қилиш;

в) Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси этиб;

“Ўздонмаҳсулот” давлат-акциядорлик корпорациясини “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси этиб;

(Давоми 2-бетда).

*Яқин Шарқ*

*Исроил бош вазири Ариэл Шарон мамлакат халқига сиёсий мурожаат билан чиқди. Унда Шарон «Исроил фаластинликлар билан тинчлик музокаралари бошланиши»ни кутиб ўтирмаслигини маълум қилди. Бош вазирнинг айтишича, агар Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга қаратилган «Йўл харитаси» режаси амалга ошмаса, Исроил бир томонлама фаластинликлардан ажралишни бошлайди.*



# Бош вазирнинг янги режаси

муаммони ҳал этадими?

Шарон бу борада янги бир томонлама режани илгари сурди. Унда Исроил «Йўл харитаси»га амал қилади ва янги режани босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этади.

Исроил Бош вазирининг билдиришича, режада Фаластин ҳудудидаги камсонли аҳоли ҳудудлари тугатилиши кўзда тутилган. Йирик аҳоли яшаш ҳудудлари ва унга қўшилган ерлардан янги хавфсизлик линиялари ўтказилади. Шу билан бирга, Шарон бу ишлар ҳар қандай эътирозларга қарамай иложи борича зарарсиз амалга оширилишини айтди. Фаластин ерларидаги қурилишлар тугатилади.

Бундан бирмунча аввал Исроил ҳукумати бош вазирининг ўринбосари Иҳуд Олмерт исроиллик фуқаролар яшовчи ҳудудларнинг тугатилиши ва фуқароларнинг ҳимоя девори ортига олиб чиқилиши Исроилда арабларнинг сони яҳудийлардан кўпайиб кетмаслиги мақсадида амалга оширилаётганини маълум қилганди.

Эслатиб ўтамиз: айни пайтда Фаластин ҳудудларида 150 тага яқин яҳудийлар яшовчи аҳоли пунктлари мавжуд, уларда 230 мингдан зиёд киши истиқомат қилади.

— Террордан воз кечинг ва биз биргаликда тинчлик ўрнатамиз, — деди Шарон. — Лекин биз буни мангу кутмаймиз. Агар бу яқин орада юз бермаса, Исроил ўз хавфсизлигини таъминлаш учун бир томонлама ҳаракат қилишга мажбур бўлади.

Исроил Бош вазирининг айтишича, мазкур чоралар АҚШ билан келишилган ҳолда амалга оширилади, чунки мамлакат Америка билан стратегик муносабатларга путур етишини хоҳламайди.

— Баъзи яҳудийлар яшовчи аҳоли пунктлари кўчирилади. Томонларни ажратиб турувчи чизиқ — ҳимоя девори ва бошқа воситалар исроиллик ҳарбийлар томонидан қўриқланади, — деб давом этди сўзида Ариэл Шарон. — Бу хавфсиз ва ишончли тўсиқ бўлади, аммо у Исроилнинг доимий чегараси эмас.

Шу билан бирга, Исроил Бош вазири агар фаластинликлар «Йўл харитаси»да кўрсатилган мажбуриятларни бажармаса, ҳудудининг бир қисмидан айрилиши ва Исроил бир томонлама ажралиш режасини жорий қилишга киришишини билдирди. Ҳимоя девори қурилиши ҳам тезлашади.

Шароннинг билдиришича, мазкур режа «Йўл харитаси»нинг бутунлай барбод бўлишидан олдин амалга оширилиши мумкин.

Исроил адлия вазири Йосиф Лапиднинг маълум қилишича, мамлакат «ажралиш режаси»ни уч ой давомида бир томонлама жорий қилишга киришиш эҳтимоли мавжуд.

Кўпчилик мамлакатлар Шароннинг ташаббусига салбий муносабатда эканлигини билдирди.

Фаластин Бош вазири Аҳмад Қураи Ариэл Шароннинг «Йўл харитаси» барбод бўлган тақдирда бир томонлама ажрала бошлашини «таҳдид» деб баҳолади.

— Унинг фаластинликларга таҳдид солаётганини эшитиб, хафа бўлдим, — деди Қураи. — Мен бирон бир янги ташаббус кутгандим. Биз можарони тугатиш ва доимий шартнома тузиш ғоясига содиқмиз. Агар жаноб Шарон музокараларга тайёр бўлса, биз уни жуда тез орада бошлашимиз мумкин.

У яна, ҳар қандай ҳаракатлар икки томонлама келишилган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини билдирди.

Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича Исроил билан музокараларда Фаластин делегациясига раҳбарлик қилаётган Соиб Эракат Шаронни ҳақиқатан ҳам тинчлик ўрнатиш мақсади бўлса, «Йўл харитаси»дан чекинмаслик ва ҳеч қандай шартларсиз тезда музокаралар бошлашга чақирди.

Оқ уй маъмурияти Исроилни «Йўл харитаси»да кўзда тутилган музокараларга тўсқинлик қилувчи бир томонлама ҳаракатлар қилмаслик ҳақида огоҳлантирди. Маъмурият вакили Скотт Макклеллан, АҚШ можарони бартараф этиш шартлари фақат музокараларда ишлаб чиқилиши лозим деб ҳисоблашини ва мамлакат Исроилнинг масалани ҳал этиш учун бир томонлама ташаббусларини қўллаб-қувватламаслигини маълум қилди.

Россия ҳам бир томонлама ҳаракатлар Исроил ва Фаластин можароларини ҳал этишга хизмат қилмаслигини билдирди. Мамлакат ташқи ишлар вазири ўринбосари Юрий Фёдоров «Йўл харитаси» можарога барҳам беришнинг энг мақбул йўли эканини маълум қилди.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

## Назорат кучайтирилди

АҚШ ҳукумати мамлакат аҳолисини террорчиларнинг навбатдаги хуружига қарши ҳушёр туришга чақирди.



Ички хавфсизлик департаменти котиби Том Рижнинг айтишича, бўлажак таҳдид эҳтимоли ҳақида маълумот олингандан сўнг ҳукумат шундай чақирув билан чиққан. Унинг сўзларига қараганда, эҳтимол қилинаётган навбатдаги қўпорувчилик ҳаракати 11 сентябрь воқеаларини яна такрорлаши мумкин. Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумберг шаҳарда полиция назорати кучайтирилганини маълум қилди.

## Табиий офат

Якшанба куни кечаси Берлинда қаттиқ довул бўлиши оқибатида келиб чиққан турли ҳалокатлар сабаб ёнғин хавфсизлиги хизмати шаҳарда бир кунлик фавқулодда ҳолат эълон қилди. Маҳаллий ахборот агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, довул 10 баллгача етган, шамол соатига 150 километр тезликда эсган. Бундай табиий офат оқибатида жароҳатланганлар бор.

Шу куни Германиянинг турли ҳудудларида кучли ёмғир ва довул қайд этилди. Натижада кўплаб биноларга зарар етиб, шаҳардаги дарахтларнинг баъзиларини синдириб кетди. Бундан ташқари, байрамолди безатилган арчаларга катта зарар етди.

## Ливия дастурдан воз кечди

МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад ал-Барадеининг маълум қилишича, шанба куни Венада Ливия делегацияси билан бўлиб ўтган музокаралардан сўнг расмий Триполи оммавий қирғин қуроли яратиш дастуридан воз кечган.



Россия Ташқи ишлар вазири Игорь Иванов Ливиянинг мазкур қарорини ижобий баҳолаб, мамлакатнинг дунё ҳамжамияти билан эркин алоқа ўрнатишига катта замин яратажагини таъкидлади.

## Шаҳзода жароҳат олди

Бутан шаҳзодаси Жигаэл мамлакатда террорчиларга қарши ўтказилган ҳарбий операцияда жароҳат олди. Шаҳзода отаси Жигме Сингай Вангчук билан биргаликда анчадан буён антиҳинд айирмачиларига қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бормоқда.



Маҳаллий армия қўмондонлиги тарқатган маълумотга қараганда, Ассам штатида ўрнашиб олган айирмачиларнинг 30 та таянч пункт армия томонидан эгалланиб, 150 нафар террорчи йўқ қилинган. Айирмачилар мазкур ҳудудда мустақил давлат қилиш ҳаракатида эдилар.

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

*Ҳамкорлик*

## «Ойина» — биринчи мустақил телерадиокомпания

Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги маданий соҳадаги ҳамкорлик кенг ривожланиб бормоқда. Шу йилнинг август ойида Самарқандда бўлиб ўтган IV "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида афғонистонлик санъаткорлар қатнашиб, фахрли учинчи ўринни эгалладилар. Афғон режиссёри Сиддиқ Обидий ўзбекистонлик касбдошлари билан ҳамкорликда учта фильм суратга олди.

Ўтган йили Ўзбекистон телерадиокомпанияси ёрдамида Балх телевидениеси ва радиоси ўз фаолиятини қайтадан тиклади. Афғонистонлик бир неча журналист Тошкентга келиб ўз малакасини ошириб қайтди.

Яқинда Шибирғон шаҳрида яна бир хайрли иш амалга оширилди. Бу ерда Самарқанд телерадиокомпанияси ва Жузжон вилоятининг "Ойина" телерадиокомпанияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Айтиш жоизки, "Ойина" дастурлари асосан ўзбек, дари, пуштун, туркман тилларида олиб борилади. Ҳозирча кунига тўрт- беш соатдан кўрсатувлар берилмоқда. Келажакда кўрсатувлар ва эшиттиришлар ҳажми кўпаяди.

— Бугун Афғонистонда телевидениенинг роли жуда муҳим, — дейди, — "Ойина" телерадиокомпанияси масъул мудири Сайид Анвар. — "Ойина" Афғонистондаги биринчи мустақил телерадиокомпания ҳисобланади. Ҳозирча ишбилармонлар кўмагида фаолият кўрсатмоқдамиз. Келгусида реклама ва тижорат туфайли ўзимизни ўзимиз маблағ билан таъминлаймиз. Бизнинг кўрсатувларимизни бугун Балх, Сари пул, Саманган, Форёб вилоятларида ҳам томоша қилмоқда. Телевидениемизнинг оёққа туриб олишида ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз яқиндан ёрдам бермоқда. Бунинг учун биз улардан жуда миннатдормиз.

— Бизнинг истагимиз афғонистонлик биродарларимиз билан яқин ҳамкорликда ишлашдир, — дейди Самарқанд телерадиокомпанияси раиси Амрулло Аҳмедов. – Бу ҳамкорлик ўзаро ахборот айирбошлаш, вилоятлар ҳақида кўрсатувлар тайёрлаш, шу тариқа икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдан иборат.

**Шоқаҳҳор САЛИМОВ.**
**Тошкент – Шибирғон — Тошкент**

## АҚШдаги хорижлик талабалар

Бугун АҚШда нечта хорижлик талаба таҳсил олмоқда? 2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йоркда амалга оширилган қўпорувчиликлар Америкага таълим олиш учун келаётган талабалар сони камайишига таъсир кўрсатдими – йўқми?

Халқаро таълим институти маълумотларига қараганда, дунёда АҚШда ўқиш истагини билдираётган ёшлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2002-2003 ўқув йилида Америкадаги чет эллик талабалар миқдори бир фоизга кўпайиб, 586323 нафарга етган. Ҳозирги кунда АҚШда 74603та ҳиндистонлик талаба бор. Бу рўйхатда иккинчи ўринни хитойлик талабалар эгаллаб турибди. Улар ҳиндистонликлардан 9846 та кам, яъни 64757 нафарни ташкил этади. Бу икки давлатдан кейинги рўйхатдан Жанубий Корея, Япония, Тайван, Канада, Мексика, Туркия, Индонезия, Таиланд, Германия, Бразилия, Буюк Британия, Покистон ва Гонконг давлатлари жой олган.

*Биласизми?*

АҚШдаги хорижий талабаларнинг ярмидан кўпини, бошқача айтганда, 57 фоизини Осиё қитъасидан келганлар, 13 фоизини европаликлар, 12 фоизини Лотин Америкаси ёшлари, 7 фоизини африкаликлар ташкил этади. Қолган қисми Шимолий Америка ва Океания давлатлари вакилларидир.

Маълумотларга қараганда, Яқин Шарқдаги кескин вазият минтақадан Америкага ўқиш учун келаётган ёшлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлмоқда. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам билиш мумкин. Кейинги бир йилда Яқин Шарқдан келаётган талабалар сони 38545 нафардан 34803 нафарга, яъни 10 фоизга қисқарган.

Талабалар сонининг камайишига юқоридаги сабабдан ташқари, АҚШда хавфсизлик бўйича кўрилаётган янги чоралар, айрим мамлакатлардаги иқтисодий аҳвол, талабалар визаларини расмийлаштиришдаги чўзилишлар, бошқа давлатлар томонидан рақобатнинг кучайиши ва оилалардаги моддий қийинчиликлар ҳам таъсир қилмоқда.

**Д. ЭГАМҚУЛОВА.**

## Ноқонуний деб ҳисобламоқда

Зимбабведа ҳукуматга асосий мухолифатда бўлган Демократик ўзгаришлар учун ҳаракат партияси мамлакатда президентлик сайлови қайтадан ўтказилишини талаб қилмоқдалар.



Ҳарареда бўлиб ўтган партиянинг икки кунлик йиғилишдан сўнг шундай қарорга келинган. Улар амалдаги президент Роберт Мугабенининг 2002 йилда ўтказилган сайловдаги ғалабасини ноқонуний деб ҳисобламоқдалар.

## Етти кунлик ёмғир

ИТАР-ТАСС тарқатган хабарга кўра, Филиппиннинг шимолий ва марказий ҳудудларида тинимсиз етти кун ёққан кучли ёмғир оқибатида 200 нафарга яқин одам қурбон бўлган.

Лейти провинцияси тоғолди ҳудудида ер кўчкиси содир бўлиб, бир неча киши кўчки тагида қолган. Айни пайтда 77 кишининг жасади топилган. Яна 123 нафар одамни қидириш ишлари давом эттирилмоқда. Филиппин президенти Глориа Магапагал Арройо воқеа жойига етиб келиб, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишни ўз назоратига олди.

**Юнус БЎРОНОВ тайёрлади.**

*Бу ажиб дунё*

## Китоб ўқиётганда аксирманг

Гиннес китобида рўйхатга олинган энг кичкина китобни Барнаул шаҳрига микроминиатюрист Анатолий Коненко олиб келди. Узунасига ва энига 1 миллиметрдан ошмайдиган 30 варақли ушбу китобчага А.П.Чеховнинг «Буқаламун» асари сиғдирилган. Олтой бадиий музейида китобчани кўрмоқчи бўлганларнинг қўлига лупа берилади ва улардан аксирмаслик илтимос қилинади.

## 250 миллион нусхада

Гарри Поттер ҳақидаги китоб 250 миллиондан кўпроқ нусхада сотилди. Китоб муаллифи К. Роулинг ҳозир эртакнинг олтинчи қисми устида иш бошлаган.

Педагог ва ноширларнинг фикрига қараганда, кичик сеҳргар саргузаштлари ҳақидаги бу китоб компьютер мониторлари ва телевизорга ўрганиб қолган болаларни яна китоб ўқишга ундайди.



Ўз китобларини Эдинбург кафеларининг бирида ёза бошлаган Роулинг хоним айни пайтда миллионерлар сафига қўшилди. У дунёда энг катта қалам ҳаққи оладиган муаллифлардан бири.

## Ўсмирлар оила қуради

Россия Федерацияси Думаси 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирларга оила қуриш ҳуқуқини берди. Бу ёшдаги ўсмирларга мустасно ҳолатларда ва ўз илтимосларига биноангина оила қуришга рухсат берилади. Бундай ҳолатларда ота-оналар фикри ҳам катта аҳамиятга эга. Энди ушбу қонунни Федерация Кенгаши ва президент тасдиқлаши керак.

## Энг юқори тезлик

Япониянинг магнит асосида ишловчи «Маглев» поезди соатига 581 километр тезликда ҳаракатланиб, янги дунё рекордини ўрнатди.



Бу поезд бошқалардан рельсга таяниб эмас, балки уларга тегмай ҳаракатланиши билан фарқланади. Магнит ёстиқчалар бундай ҳаракатланиш имконини беради.

*Жаҳон спорти*

## Шацких шартномани узайтирди

Украинанинг "Динамо" (Киев) жамоаси ўз сафида тўп сураётган футболчилар орасида биринчилардан бўлиб ҳамюртимиз Максим Шацкихга шартномасини узайтиришни таклиф этди. Унга кўра, Максим ушбу клуб шарафини яна тўрт йил ҳимоя қилади.

Ўтказилган матбуот анжуманида Киев жамоаси президенти Игор Суркис, ҳужумчилардан Максим Шацких ва Алексей Мелашенкога катта ишонч билдираётганини айтди.

## Икки ҳафтада икки нокаут

Кличколарнинг кичиги Владимир навбатдаги "жанг"ида ҳам рақибини нокаутга учратди. Бу унинг икки ҳафта ичида иккинчи ғалабасидир. Владимир бундан икки ҳафта илгари канадалик Кирк Жонсонга қарши рингга чиққан эди. Ўшанда канадалик боксчи кичик Кличкога муддатидан олдин таслим бўлганди. Бу гал ҳам украиналик чарм қўлқоп устаси "жанг"ни узоққа чўзиб ўтирмади. Германиянинг Остсихалле спорт саройида бўлиб ўтган баҳсда 36 ёшли Деннел Николсон Владимирнинг зарбаларига тўрт раунд чидаб берди, холос. Бокс оламида "доктор" лақаби билан машҳур 103 килограммли америкалик боксчи рингда аввалига рақибининг услубини яхши ўзлаштиргандек ҳаракат қилди. "Доктор"нинг "клинч" ҳолатга кириб, рақиби шаштини пасайтириши ҳам фойда бермади. Айнан шундай вазиятда Владимирнинг иккита кучли зарбасини ўтказиб юборган Николсон техник нокаутга учради.

**Дилмурод ПАРПИЕВ, тайёрлади.**

Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!
«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ РЕСПУБЛИКА МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ
2004 йил ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун
ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАР тузади.
Шартнома-жадвалларни тузиш муддати — 2004 йил 1 февралгача.
Маълумот учун телефонлар: 114-37-03, 114-37-21, факс: 114-36-90.

2004 ЙИЛ АРАФАСИДА
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки
«ЯНГИ ЙИЛ»
омонат турини таклиф этади.
Йиллик даромад 50%
- Пуллар 2003 йилнинг 9 декабридан 31 декабригача қабул қилинади.
- Сақлаш муддати — 45 кун.
- Дастлабки бадалнинг минимал суммаси — 300 000 сўм.
- Қўшимча бадал камида — 100 000 сўм.
NBU
Миллий банк — пулларингиз бутлиги ва даромад келтириш кафолатидир!
Қўшимча маълумот учун телефонлар: 137-62-81, 137-62-83, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин.
www.nbu.com

ТАШКИЛОТ РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН 210 30-16 маркали ПОЛИПРОПИЛЕН СОТАДИ.
МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
148-12-56, 148-01-64, 185-70-62.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !
BANK

Товар сертифицирован
Узбекско-американское предприятие
SWEETS INTERNATIONAL
представляет кондитерскую продукцию собственного производства. Широкий ассортимент, более 40 наименований кондитерских изделий
КОНФЕТЫ В ШОКОЛАДНОЙ ГЛАЗУРИ, КАРАМЕЛЬ, ПЕЧЕНЬЕ, ИРИС, ДРАЖЕ, МАРМЕЛАД, ВОСТОЧНЫЕ СЛАДОСТИ
Golden date

## Эътироф

*Бир устозимиз бўлардилар: "Маънавий ҳаққинг бор бўлганлар ҳақидагина ёзишинг мумкин, акс ҳолда, мақолангда сохталик ҳукмрон бўлади", дегувчи эдилар. Шу боисми ё чўчибми ҳар гал академик Восит Воҳидов ҳақида ёзмоқчи бўлсам устозимнинг ўгитлари мени тўхтатарди. Лекин домла билан бир неча бор учрашганим, суҳбатларини олганим у киши ҳақида ширин бир калом айтиш истагини оширарди. Сабаби... Бир сабаби, бу олимнинг тиббиёт соҳасидаги меҳнатлари давлатимизнинг "Буюк хизматлари учун" олий мукофотига сазовор бўлганидан. Яна бир сабаби "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги ҳукумат қарорида таъкидланганидек, "ўз илмий мактабига асос солган буюк олимларимизнинг... Ўзбекистонимизни бутун дунёга тараннум этиш йўлида фидокорона хизмат қилгани" яна бир карра эътироф этиш эди.*

# Иқтидор

Домла нечоғли камсуқум, камтар, шогирдпарвар бўлсалар-да, бироқ ўзлари ҳақида, илмий ишлари борасида ортиқча гапиришдан, матбуот саҳифаларида бирон бир мақола чиқишидан андак норизо бўлардилар. Бир сафар учрашганимда, мураккаб операциядан чиқиб дам олаётган эканлар. Нима сабаб бўлдию, тиббиётга, жарроҳликка қай йўсин кириб келганларини гапириб бердилар. Анча суҳбатлашдик. "Бир мақола учун етарли материаллар олдим", деган суюнчим ичимда қолди. Хайрлашаётиб, домла: "Илтимос, ҳеч қандай мақола тайёрламанг, ҳали мавриди эмас", деб қолдилар. Ёзмоқчи бўлган фикрларимни қоғозга туширдиму... Шу-шу қоғозда қолиб кетди. Назаримда, мавриди энди келди.

***

**Ота ўгити.** ***"Қазоси етганини сезган қария яккаю ягона фарзандига бутун меросини васият қилиб қолдирибди. Суюкли отасининг ўлимидан сўнг йигит ўзини меҳнат билан овутибди. Кўп ишлабди. "Отангнинг йиққан-терганини еб, оёғингни узатиб ётсанг бўлмайдими, оғайни", дейишибди тенгқурлари. "Ҳар ким ўз луқмаи ҳалолини ўзи топиши керак", жавоб берибди йигит".***

Ҳикоясини тугатаркан, Воҳид ака ҳар сафар унга яна қўшимча қиларди: "Сен ҳам шу йигитдек ҳалол, пок бўлишингга иймоним комил. Лекин меҳнатдан қўрқма, болам. Ҳалол меҳнат қилсанг толеинг баланд, бахтинг бутун бўлади. Ҳалоллик бу катта бахт, билсанг". Бу гап унинг онгига, вужудига шу қадар сингиб кетган эдики, гўё бундан бошқача яшаш мумкин эмасдек туюларди, назарида. Ўқиш йиллари ортда қолиб, терапия бўйича илмий иш қилишга эндигина киришган Воситжонни чегара қўшинларига ҳарбий врач сифатида хизматга юборишди. Очиғи, иккиланиш шу ердан бошланди. Қорнини қучоқлаб, ғужанак бўлиб ётган беморни кўришга чақиришганда ёш врач чўчигани йўқ. Аввалига яхшилаб текшириб кўрди. Перетонит бўлган! Беморни зудлик билан операция қилиш керак эди. Бироқ, қандай қилиб? Асбоблар йўқ, шароит ҳам бўлмаса. Қолаверса, у бирон марта жарроҳлик тиғини қўлга олган эмас. Ахир унинг мутахассислиги терапевт-ку?! Воситжон талабалик йилларида тиббиётнинг деярли барча соҳаларини ўрганган, шифохоналарда навбатчилик қилиб, домлаларининг маърузаларини амалиётда синаб кўришга интиларди. Ёдида, бир сафарги навбатчилик тунида операция қилинмагани туфайли бир бемор ҳаётдан бевақт кўз юмганди. Ўшанда Воситжоннинг хаёлидан: "Хирург бўлганимда, балки асраб қолармидим", деган ўй ўтган ва бу воқеа анчагача ёдидан чиқмай юрганди.

Дастлаб миясига урилган ўша ўй ҳозир, шу дамда уни яна қийнарди. "Хирург бўлганимда..." Бироқ афсусланишнинг вақти эмас, беморни марказга элтиш керак эди. Афсус, у ердаги мутахассислар ёш терапевтнинг қўйган ташхисини тасдиқлашмади. "Хирургликнимлигини билмайсизу?.." Улар шундай дейишмасада, Воситжон уларнинг истеҳзоли кулгиларидан худди шу гапни уқди. "Наҳотки нотўғри ташхис қўйган бўлсам", ўйларди у. Орадан бир суткагина вақт ўтар-ўтмас унинг ҳақ эканлиги аниқ бўлди. Минг афсуски, бемор кучли перетонитдан оламдан ўтди. "Тамом, албатта жарроҳ бўламан", қатъий аҳд қилди у ўшанда.

**Устоз ўгити.** ***"Жарроҳлик касби катта жасорат талаб этади. Ҳалол, пок, виждонинг соф бўлса, жасоратли бўла оласан".***

Республикада хирургия соҳасининг етакчи жонкуярларидан бири, профессор С.Маъсумов шогирдининг салоҳиятини тез англади. Унга жарроҳлик сир-асрорларини ўргата бошлади. Восит Воҳидов дастлабки операцияни кўр ичакдан бошлаганини яхши эсларди. Унинг операция қилмаган куни деярли бўлмаган.- Тошкент давлат тиббиёт институти клиникасининг хирургия бўлимини бошқарган кезлари шифокорлик фаолиятини илмий-тадқиқот ишлари билан қўшиб олиб борган. Унинг самараси ўлароқ эллигинчи йили номзодлик, орадан ўн бир йил ўтгач эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Энди назарий ишларни амалиётда синаб кўриш лозим эди. Ошқозон-ичак ва ўпка хасталикларини жарроҳлик йўли билан даволаш усулини йўлга қўйган В.Воҳидов тинимсиз изланади. Бора-бора ўпка сили ҳамда унда пайдо бўладиган фойдали ва зарарли шишларни, ўпка эхинококкозини тиғ ёрдамида даволашнинг турли усулларини яратади.

У республикада юрак ва қон-томир касалликларини даволашга биринчи бўлиб киришган жарроҳ. Айниқса, унинг энг мураккаб ҳисобланган, очиқ юракда ўтказган операциялари таҳсинга сазовор. Алломалардан бири "Юракни юрак билангина даволаш мумкин",деган эди. В.Воҳидов операцияларнинг яхши-ёмони, енгил-оғири эмас, балки бехавф, хавфли бўлиши мумкинлигини, юрак билан боғлиқ операцияларнинг ҳар қайсиси унинг учун ҳамиша масъулиятли эканини таъкидларди. Шу боис, ҳар бир операцияга катта "тайёргарлик" кўрар, касаллик тарихи, унинг кечиши билан обдон танишар, ҳатто жарроҳлик амалиётидан сўнг беморнинг аҳволи қай даражада енгиллашиши мумкинлигини ҳам олдиндан ҳис этарди. Шундай ишонч туғилгандан кейингина у жарроҳлик тиғини қўлга оларди. В.Воҳидов қўли енгил шифокор эди. Боиси у ҳалол, пок инсон эди. Беморни бир кўрдими, унга гўё "меҳри" тушарди. Унинг то соғайганини кўрмагунча кўнгли тўлмасди.

**Шогирдларга айтилган ўгит.** «Ёш бўлсак ҳам беморларнинг кўплигидан гоҳо биз адашиб кетардик, — дея хотирлайди тиббиёт фанлари доктори, профессор Маъруфжон Маҳмудов, — бироқ устознинг хотиралари гўё муҳрлангандек, бир кўрганлари ёдларидан кўтарилмасди. «Чинакам жарроҳ тиғ теккизмоқчи бўлган тери остида инсон организмининг қайси аъзоси борлигини аниқ билиши, тўғрироғи, тери орқали инсоннинг ичини кўра олиши лозим», дердилар. Биз устозимизнинг ўгитларини бугунги кунда номлари билан аталадиган Республика Жарроҳлик илмий марказида давом эттиришга интиляпмиз. Бу ерда олиб борилаётган бир қатор илмий йўналишлар нафақат республикамиз ва Марказий Осиёда, балки МДҲ мамлакатлари, ҳатто хорижда ҳам эътироф этиляпти. Ҳозирда ўтказилаётган ноёб операцияларнинг аввалига устозимизнинг илмий мактабларида тамал тоши қўйилганлигини унутиб бўладими, ахир. Ҳар йили ўтказиладиган "Воҳидов ўқишлари" эса илғор тиббий технологияларни кенг қўллашга хизмат қиляпти».

***

Булар бир иқтидор эгасининг умр дафтаридан лавҳалар, холос. Уларни анча кеч бўлса-да, ўзгаларга етказишга бурчлиман, деб ўйладим. Маъзур тутинг...

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Экология ва ҳуқуқ

Мустақиллик туфайлигина ўзбек халқининг эркинлиги, дини, тили, шу билан бирга ўз табиий бойликларига эгалик қилиш ҳуқуқи юзага келди. Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Уларга биноан мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир барча муносабатлар миллий қонунчилик асосида тартибга солина бошланди. Ўқувчиларнинг маънавий салоҳиятини ошириш, уларда табиатга нисбатан ижобий қарашларни илгари суриш мақсадида таълим соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. Хусусан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун турли дарсликлар чоп этила бошланди.

*Муҳим қўлланма*




Шу маънода Тошкент давлат юридик институти экология ва қишлоқ хўжалик ҳуқуқи кафедраси профессори А. Нигматовнинг «Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи» дарслиги талабаларнинг чуқур билим олишлари учун зарур манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Дарслик лотин алифбосида илк бор тайёрланган ўқув адабиёти бўлиб, унда мамлакатимизда экология ҳуқуқининг барча жиҳатлари атрофлича ёритиб берилган. Замонавий ўқув дарсликлари учун қўйиладиган талаблар, иқтидорли ёшларнинг илмга чанқоқ билимларини қондирувчи маълумотлар қўлланмада ўз ифодасини топган. Ҳар бир бобдан сўнг такрорлаш учун саволлар тузилганлиги, матннинг турли суратлар билан бойитилганлиги, қисмлар бўйича тест саволларининг берилганлиги, экологияга оид масалаларнинг чуқур ва изчил таҳлил этилганлиги, ҳар бир саҳифада тегишли эслатмалар, экология ҳуқуқига оид асосий атамалар, ибораларнинг келтирилиши дарсликни ўқувчилар учун қизиқарли, мутахассислар учун эса фойдали адабиётга айлантирган. Қўлланманинг яна бир ижобий томони шундаки, унда ўқувчи ҳал қилаётган муҳим масалалар устида фикрлабгина қолмай, балки уларни таҳлил қилиб, жамият ва экологиянинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини тушуниб етади. Дарслик билан танишсангиз «Биз табиатни асраяпмизми?» деган савол хаёлингиздан ўтиши аниқ. Бу савол жавобсиз қолмаса деймиз.

**Ирода САДРИДДИН қизи.**

BUSINESS BANK

**Азиз юртдошлар ва Она-ватанимиз меҳмонлари!**
**ХОАТБ «Бизнес Банк»**
**Сизларни кириб келаётган Янги 2004 йил билан муборакбод этади ! Янги йил муносабати билан, ихтиёрингизга**
**«Янги йил туҳфаси»**
**омонатини таклиф этади.**

**Омонатни қабул қилиш муддати — 15дан — 30 декабргача**
**Омонатнинг энг кичик миқдори — 100.000 сўм**
**Омонат муддати — 1 ой**
**Фоиз устамаси — йиллик 48%**

**Фоизларни омонатингизни топширган вақтда олишингиз мумкин.**

**Чакана хизмат кўрсатиш марказларимизга ташриф буюринг :**



«ТАРИХИЙ»
чакана хизмат кўрсатиш маркази
Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 48
телефонлар: 8 10 (998 71) 132 08 87;

«БАДИИЙ»
чакана хизмат кўрсатиш маркази
Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 43
телефонлар: 8 10 (998 71) 162 70 40;

«ҚАТОРТОЛ»
чакана хизмат кўрсатиш маркази
Чилонзор тумани, Ц-даҳаси, Меҳр кўчаси, 15
телефонлар: 8 10 (998 71) 173 09 04;

«РИШТОН»
чакана хизмат кўрсатиш маркази
Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 8/1
телефонлар: 8 10 (998 71) 120 55 95.

ХОАТБ «БИЗНЕС БАНК»
Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 13а
телефонлар: 8 10 (998 71) 133 86 65.
Интернет : www.businessbank.uz

**Маълумот учун телефон : 120 50 30**

**ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ**

F.B.O.K.F.

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ КАФОЛАТЛАНГАН !**



Батафсил маълумотга эга бўлишни хоҳласангиз қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг: (8-371) 138-69-45, 138-69-46.

*Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди 2003 йилнинг 22-26 декабрь кунлари телефон орқали*
**«БЕВОСИТА МУЛОҚОТ»**
*ўтказади.*
*Сизнинг саволларингизга фонд мутахассислари жавоб берадилар.*

**ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ**

**ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ 2003 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА ФОНД БИЛАН ЁЗМА БИТИМ ТУЗГАН БАНКЛАР РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки.
3. «Замин» акциядорлик ипотека банки.
4. Ўзбекистон акциядорлик уй-жой жамғарма банки «Ўзуйжойжамғармабанк».
5. Ўзбекистон акциядорлик-тижорат саноат-қурилиш банки «Ўзсаноатқурилишбанк».
6. Акциядорлик тижорат «Пахта банк».
7. Акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк».
8. «Турон» акциядорлик тижорат банки.
9. «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки.
10. «Савдогар» савдо ва тижоратга кўмаклашувчи акциядорлик-тижорат банки.
11. «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки.
12. «Трастбанк» акциядорлик биржа банки.
13. «Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки.
14. «Авиабанк» акциядорлик-тижорат банки.
15. «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки.
16. «Парвинабанк» хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки.
17. «Алп Жамол Банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
18. «Туркистон» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат инвестиция банки.
19. «Давр-банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
20. «Истиқбол банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
21. «Ўктамбанк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
22. «Бизнес банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
23. «Самарқанд» хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки.
24. «Универсал банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
25. «Капитал банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
26. «Равнақ-банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
27. «ЎзДЭУ Банк» Ўзбекистон-Корея қўшма банки.
28. Ўзбек-Турк қўшма банки «ЎТ-Банк».
29. АБН АМРО Банк Ўзбекистон МБ, ХЖ.
30. «Ўзприватбанк» приватизация ва инвестиция бўйича ўзбек халқаро банки.
31. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

*Ёзма битим тузилиши муносабати билан аҳолининг юқоридаги банкларга қўйилган омонатлари фонд томонидан қонунчиликка мувофиқ кафолатланган ҳисобланади.*

**«ВОЛГА» автомобиллари пул ўтказиш йўли билан СОТИЛАДИ.**



«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан **ГАЗ-3110, ГАЗ-3102** автомобилларини, шунингдек, «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.

Телефон: 119-21-83.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР**
КАБУЛ КИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Шавкат Икрамовга отаси **ТОҲИРЖОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти хўжалик суди жамоаси судья Зарифахон Қурбоновага отаси **Мўминжон ҚУРБОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси таржимони Р. Назаровага ҳамда «Дўстлик» радиоканали бўлими мудири О. Назаровга оналари **МАЙМИНА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

2000 йилнинг 19 майида Давлат патент идораси томонидан таъсис этилган «Интеллектуал мулк бошқаруви» журналини рўйхатга олиш тўғрисидаги 00306-сон гувоҳнома йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — Г — 00172. 21378 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00 23456